# ШОНЛИ САНАЛАР АРАФАСИДА

Совет халқининг маданияти ва маълумотини оширишда, уни коммунистик руҳда тарбиялашда халқ университетлари катта ўрин тутади.

Ҳозирги вақтда областимиз шаҳар ва районларида мавжуд халқ университетларининг ишлари умуман бу соҳада яхши натижалар бераяпти. Ҳозирда 180 халқ университетида 25 мингга яқин тингловчи шуғулланади. Тингловчилар сони эса, йилдан-йилга ошиб бораяпти. Бу шундан ҳам кўринадики, уч йил муқаддам уларда 10 мингга яқин киши шуғулланарди. Биргина Чирчиқ шаҳрида тингловчилар сони қарийб икки баравар ошди.

Ҳозирги вақтда областдаги жамоатчилик асосларида ишлаётган университетларда ўн беш профиль бўйича машғулотлар ўтказиляпти. Булар — техника прогресси, илмий атеизм, халқаро муносабатлар, қишлоқ хўжалиги, педагогика, медицина, ҳуқуқ билимлари, турмуш маданияти ҳамда бўлажак жангчи ва хотин-қизлар университетларидир.

Улар тузилган вақтдан буён катта тажриба тўплашди. Энг қимматлиси шуки, уларда тингловчиларнинг хилма-хил талаблари конкрет ҳисобга олинади, билимнинг турли соҳалари изчил пропаганда қилиниб, назарий билимлар турмуш практикаси билан мустаҳкамлаб борилади. Бунда билим бериш сифатининг яхшиланиб, мазмунан чуқур бўлиб бораётганлиги, ўқув-тарбия жараёнидаги шакл ва усулларнинг такомиллашаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда ташкил қилинган дорилфунунлар ишчи, колхозчи ва зиёлиларни фан ва техника билимлари, илғор тажриба билан бойитяпти, аҳолининг маданий савиясини ошираяпти.

Халқ университетлари сонигина эмас, уларнинг сифати ҳам яхшиланаяпти. Ўрта Чирчиқ районида тузилган қишлоқ хўжалик билимлари университети бунинг далили бўла олади. У тўрт йилдан бери илғор хўжаликлар — «Правда», Свердлов номли, «Гулистон» колхозлари базасида иш олиб бораяпти. Ўтган йили 250 киши университетнинг пахтачилик, лубчилик ва чорвачилик факультетларини битириб чиққанликлари ҳақида ҳужжат олдилар.

Бу йил тингловчиларнинг янги состави билан машғулотлар ўтказиляпти. Қишлоқ хўжалиги экономикаси, механизациялаш ва мевачилик факультетлари биринчи марта ўз ишларини бошлаб юбордилар. Қишлоқ дорилфунунида агрономлар, зооветеринария ходимлари, механизаторлар, иқтисодчилар, луб заводлари мутахассислари, далачилик ва чорвачилик бригадалари, хўжалик ҳисобига ўтган звеноларнинг бошлиқлари актив иштирок этишяпти. Шуниси қувончлики, халқ университетида илғор тажриба ва фан ютуқларини ўрганиш, уларни ёйиш ва жорий этиш бўйича машғулотлар яхши ташкил қилинади. Уларнинг ҳар бири ўз конкрет ва олдиндан ўйланган йўналишига эга.

Улар дуруст амалий натижалар бераяпти. Юқори Чирчиқ районидаги қатор хўжаликларда агротехниканинг самарали усуллари, жумладан ўғитларни экиш олдидан ва экишдан кейин солиш, калий ўғитларидан фойдаланиш, аниқ чигит ташлайдиган сеялкаларни қўллашнинг жорий этилишини машғулотларнинг бевосита самараси, деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, бу хўжаликларда пахтани машинада теришни поток усулда ташкил этиш, чорвачилик фермаларини механизациялаш, ем-хашак силосини карбамид, антибиотиклар ва ҳоказолар билан бойитиш каби илғор тажрибалар ҳам кенг қўлланиляпти.

Университет бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришаётгани йўқ. Район партия комитети унинг ишига алоҳида аҳамият бераяпти. Тошкент қишлоқ хўжалик институти, пахтачилик ва чорвачилик илмий-текшириш институтлари, САИМЭ, Шредер номидаги институтнинг олим ва ўқитувчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари катта ёрдам кўрсатишяпти.

Юқори Чирчиқ қишлоқ хўжалиги билимлари университетининг ишлари муносиб тақдирланди. Халқ университетларининг Бутуниттифоқ жамоат кўриги ташкилий комитети уни биринчи даражали диплом ва пул мукофотлари билан тақдирлади. Краснодарда бўлиб ўтган халқ университетлари ректорлари Бутуниттифоқ кенгашида унинг тажрибаси кенг ўрганиб чиқилди. Бу кенгашда университет ректори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати В. Т. Лев ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Область дорилфунунларида семинар, конференция, амалий машғулот мунозара, суҳбат, экскурсия, савол ва жавоб кечалари ўтказиш, лекциялар билан бир қаторда ўрин олаяпти. Бунда ўқув планлари ва программаларининг сифати бирмунча яхшиланди. Ҳозирги вақтда уларни тузишда халқ хўжалиги мутахассислари, ўқитувчилар, маданият арбоблари ҳамда тингловчиларнинг ўзлари иштирок этадилар. Тингловчиларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш мақсадида программаларга актуал сиёсий темалар ҳам киритилаяпти.

Қатор халқ дорилфунунларининг ўқув программаларида станок олдида, лабораторияда, колхоз ва совхозларнинг далаларида амалий машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган. Масалан, халқ хўжалиги билимлари университетлари программаси пахта ва бошқа экинларни етиштириш мавсумларига мувофиқ қилиб тузилган.

Областимиз дорилфунунлари жамоатчилик негизида иш олиб бораяпти. Уларда мутахассислар, ҳуқуқшунослар, врачлар, ўқитувчилар, меҳнат илғорлари, фан, маданият ва адабиёт арбоблари иштирок этмоқдалар. Педагогика институти, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти, Тошкент Давлат университети ҳамда консерватория ўқитувчи ва профессорлари, театр коллективлари шулар жумласига киради.

Айрим халқ университетларида жамоатчилик асосида тузилган методика кенгашларининг иши диққатга сазовор. Масалан, ўртоқ А. Бизер раҳбарлик қилаётган Чирчиқ шаҳар методика совети ўқув-тарбия жараёнини яхшилашда айниқса катта хизмат қилаяпти. Совет аъзолари машғулотларда, лекцияларда бўлишиб, энг яхши университетлар иш тажрибасини умумлаштириб боряптилар.

Халқ университетлари биринчи Бутуниттифоқ кўригида областдаги 27 та дорилфунуннинг I ва II даражали Бутуниттифоқ ва республика дипломлари билан мукофотланганлиги, 300 актив жамоатчининг Фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари билан тақдирланганлиги қувончли ҳолдир.

Лекин биз бу ютуқлар билан қаноатланиб қолавермаслигимиз лозим. Дорилфунунларнинг аҳоли маданияти ва маълумотини оширишда, янги кишики тарбиялашдаги роли тобора ошиб бораётган бир вақтда уларга раҳбарлик қилишнинг даражасини ошириш, барча ташкилотларнинг куч-ғайратларини бу ишда бирлаштириш, иш усулларини такомиллаштириш талаб қилинади.

Афсуски, халқ университетларини ташкил қилишда, уларда иш мазмунини яхшилашда жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. Кўпгина халқ университетлари замон талабларига жавоб бермайди, уларда яхши тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи кадрлар етишмайди. Бундан ташқари, билим беришнинг актив шакл ва усуллари кам қўлланилаяпти, назарий машғулотлар ҳаммавақт ҳам ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг амалий вазифалари билан боғлаб олиб борилади, деб бўлмайди.

Айниқса қишлоқ халқ университетлари олдида катта вазифалар туради. Районларда бўлажак жангчи, ҳуқуқ, табиёт фанлари, илмий атеизм, физкультура ва спорт, халқаро муносабатлар бўйича дорилфунунлар ташкил этилмаяпти. Бу ишда шаҳардаги дорилфунунлар ёрдам бериши керак. Негаки, қишлоқ жойларда лекторлар танлаш масаласини ҳал қилиш қийинчилик туғдираяпти. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ташаббус шаҳардаги маданий кучларнинг актив ёрдами билан қўшилса, бу университетлар иши тубдан янги изга тушиб олади.

Шу йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида халқ университетлари ишини яхшилаш бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ кенгашида уларнинг тахминий Низоми ва Устави қабул қилинди. Ҳамма жойда университетларни паспортлаштириш ва бу билан халқ университетлари тармоқларидаги ҳаракатни тўғри ҳисобга олиш, улар билан билим тарқатувчи бошқа оммавий шакллар ўртасида аниқ чегара қўйиш, улардаги ишни асосий кўрсаткичлар бўйича анализ қилиш имконини яратиш кўзда тутилади.

Бундай паспортлаштириш халқ университетлари тармоқларини тартибга солишда муҳим ташкилий тадбир ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу тадбир барча дорилфунунларни, уларнинг қайси бошқармага қарашлилигидан қатъий назар, қамраб олиши лозим.

1967 йилда совет кишилари Совет давлатининг 50 йиллигини нишонлайдилар, В.И.Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарликни давом эттирадилар. Ана шуларнинг ҳаммаси халқ университетлари ишида акс этмай қолмайди, албатта. Улардан ўз тингловчиларида халқимизнинг Ленин партияси раҳбарлигида босиб ўтган катта ва мураккаб йўли ҳақида, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришган ютуқ ва ғалабаларимиз ҳақида тўлиқ ва ҳар тарафлама тасаввур қолдириш талаб қилинади.

Буюк 50 йиллик фақат ижтимоий тузумимиз юбилейигина эмас. У совет фани ва техникаси, маданияти, адабиёти ва санъатининг ҳам ярим асрлик юбилейидир. Ҳар бир халқ университети бу соҳада иш олиб бориб, шонли саналарга муносиб совғалар тайёрлайди.

**Л. МАХЛИНА,**
**область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори.**



⊙ Областимизнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари янги йилни қувончли зафарлар билан кутиб олмоқдалар. Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган 1967 йилга кўплар қатори Ўрта Чирчиқдаги Куйбишев номли колхоз меҳнаткашлари ҳам катта ғалабалар билан етиб келмоқдалар. Улар бу йил она-Ватанга «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Ҳозир юбилей йили ҳосили учун пухта замин яратишяпти. Колхоз устахонасининг коллективи барча қишлоқ хўжалиги техникасининг ремонтини 20 январга қадар тугаллашга аҳд қилган. Ҳозир устахонада ремонт ишлари тобора авжига чиқариляпти. Суратда: колхознинг энг тажрибали механизатор-звено бошлиғи Абдумалик Раззоқов (чапда) ва Қаюм Эргашев ўртоқлар трактор моторини созлашмоқда.

Қ. Розиқов фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

## ЁШЛАР ГАЗЕТАСИГА 40 ЙИЛ

Республиканинг йигит ва қизлари «Комсомолец Узбекистана» газетасини ўзларининг азиз дўсти ва маслаҳатчиси деб биладилар. Тошкент жамоатчилиги бу газетанинг қирқ йиллигини нишонлади. Ёшлар босма органининг жуда кўп газетхонлари 28 декабрда шонли санага бағишланган тантанали йиғилишга тўпланишди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова редакция коллективини, газета активлари ва газетхонларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан самимий қутлади. Ё. С. Насриддинова юбилярга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғини топширди.

«Комсомолец Узбекистана» газетасининг редактори Ю. Рибкин ўз докладида газетанинг шонли йўли тўғрисида гапирди.

Республикадаги комсомол ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, матбуот ходимлари юбилярни самимий табрикладилар.

(ЎзТАГ).

## ЯНГИ ТРЕСТ

Ташқарида қирчиллама қиш, ичкарида кўмкўк ёз нафаси. Қуёшга юз тутган ойналар остидаги палакларда помидор, бодринглар ғарқ пишган. Резаворлар кўкариб турибди. Ҳа, теплицаларда бўлсангиз, ўзингизни гўё ёз қўйнида ҳис этасиз.

Бироқ республикамизда теплицалар сони оз. Мавжудлари аҳолини янги сабзавот билан таъминлашга улгуролмаяпти. Теплица хўжаликларини кенгайтириш ишлари ҳам ҳозирча секинлик билан бормоқда. Шуни ҳисобга олиб яқинда Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги қарамоғида янги ташкилот — теплица хўжаликларини қуриш трести тузилди.

Янги трест республика колхоз ва совхозларида теплица ва парник хўжаликлари, сабзавот сақланадиган омборлар ҳамда бошқа бинолар қуради.

## МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

### ЎЗБЕК АРТИСТЛАРИ ҲИНДИСТОНДА

ДЕҲЛИ, 28 декабрь. ТАСС мухбири **В. Никитин** хабар беради:

Ўзбекистон ССР «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли Ҳиндистонга келди. СССР халқ артисти М. Турғунбоева раҳбарлигидаги 60 кишилик ўзбек артистлари коллективи Ҳиндистонда бир ой туриб, Деҳли, Мадрас, Ҳайдаробод, Бомбай, Калькутта, Лакнау ва Жайпурда концертлар беради.

### „СОВЕТ ИТТИФОҚИ ОЙ АТЛАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА“

ВАРШАВА. «Луна-13» автомат станцияси ой юзасига юмшоқ қўндирилганлигига Польша матбуоти совет техникасининг янги катта муваффақиятли, деб баҳо бермоқда. Газеталар совет станцияси ёрдамида ерга йўлланган фотосуратларни босиб чиқармоқдалар, автомат станциянинг иши тўғрисидаги батафсил хабарларни эълон қилмоқдалар. «Луна-13» деб ёзади «Жиче варшави» газетаси, совет фани ва техникасининг янги катта муваффақияти бўлиб, бунинг натижасида СССР бу соҳада америкаликлардан анча ўзиб кетмоқда.

СОФИЯ. Болгария матбуоти «Луна-13» совет автомат станциясига катта эътибор бермоқда. Газеталар Ой манзарасининг суратларини биринчи саҳифаларида катта қилиб босиб чиқариб, аппаратлар бенуқсон ишлаётганлигини таъкидламоқда.

Бутун дунё олимлари, деб ёзади «Земледельско знаме» газетаси, бу янги катта воқеани шарҳламоқда. Улар станциянинг ойга жуда аниқ қўндирилганлигига Ой манзараси суратларининг сифати аъло даражада эканлигига айниқса қойил қолмоқдалар. Лекин ҳаммани ҳайратда қолдираётган бу илмий ва техникавий экспериментга баҳо бермоқ учун мутахассис бўлиш шарт эмас.

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги марказий газеталар «Луна-13» автомат станцияси тўғрисидаги муфассал хабарларни, шунингдек шу станция ойнинг юзасини суратга олиб ерга юборган тасвирларни босиб чиқармоқда.

«ЛУНА-13» Ойга қўндирилганлиги тўғрисидаги ТАСС ахборотига қўшимча қилиб, «Нойес дойчланд» газетаси шу йил апрель ойидан бошлаб Совет Иттифоқи ўтказаётган космик тадқиқотларнинг энг муҳим босқичлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам босиб чиқарди.

ПАРИЖ. Франс пресс агентлигининг илмий обзорчиси «Луна-13» автомат станцияси учирилганлигини ва ойга қўндирилганлигини шарҳлаб, «Совет кишилари ернинг табиий йўлдошини тадқиқ қилишда ҳеч шубҳасиз, катта ғалабага эришдилар, деб ёзади.

Обзорчи «ҳамма аппаратлар яхши ишлаётганлигини» қайд қилиб, совет олимлари Ойни тадқиқ қилишда ўзларининг америкалик ҳамкасбларидан ўзиб кетдилар, деган фикрни айтмоқда.

Париждаги газеталар совет олимлари ва техникларининг муваффақияти тўғрисида ўз газетхонларига кенг ахборот бермоқдалар.

БОНН. «Луна-13» Совет автомат станцияси тўғрисидаги хабарларни Ғарбий Германия матбуоти «Ой юзасининг янги фотографиялари», «Совет Иттифоқи Ой атласини такомиллаштирмоқда», «Луна-13» Ой фотографияларини юбормоқда» деган сарлавҳалар билан босиб чиқарди.

«Франкфуртер альгемайне» газетаси, Совет Иттифоқи Ойни тадқиқ қилишни давом эттириб, бу соҳадаги ишларида янги катта муваффақиятга эришганлигини таъкидламоқда. Бу йил, деб ёзади газета, совет автомат станцияси Ой юзасига иккинчи марта муваффақиятли равишда юмшоқ қўндирилди.

«Нойе рейн цайтунг» газетаси Ой юзасининг «Луна-13» ерга юбораётган суратлари «Ойнинг мукаммал харитасини тузиш»га ёрдам беради, деб ёзмоқда. (ТАСС).




⊙ **Мюнхен шаҳрининг мингдан зиёд аҳолиси Американинг Вьетнамда олиб бораётган агрессиясига қарши намойишларда иштирок этди. АҚШ бош элчихонаси ва «Америка хауз» ташвиқот марказига олиб борувчи кўчаларда намойишчиларни полиция қарши олди. Суратда: намойишчиларнинг полициячиларга дуч келган пайти. Плакатлардан бирига: «Вьетнам енгади. Америкаликлар — жўнаб қолинг!» деб ёзиб қўйилган.**

АДН-ТАСС фотоси.

### МЕҲНАТКАШЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Сайгон порти Американинг Жанубий Вьетнамга юбораётган мадад кучлари ва ҳарбий анжомлари ўтадиган асосий дарвозадир. 26 декабрда бошланган забастовка натижасида Сайгон портида ишлар тўхтаб қолди. АПЛ агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, 2.500 докер ўз ўртоқларидан 100 кишининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб иш ташлаганлар. Сайгон портида 26 кема тўпланиб қолган. Юк ташиш ва хизмат кўрсатиш ишлари тўхтаб қолган. Америка қўмондонлиги кемалардаги юкларни бўшатиб олиш учун ўз қўшинларидан фойдаланишга мажбур бўлган.

#### ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги давлат муассасалари хизматчиларининг забастовкаси уч ҳафтадан буён давом этмоқда. Бу штатнинг кўп шаҳарларида коммунал ва транспорт ходимлари ҳам иш ташладилар. Уттар-Прадеш прогрессив ёзувчилар уюшмаси иш ташловчиларнинг талабларини қўллаб-қувватловчи ва ҳукуматни полиция репрессияларини тўхтатишга чақирувчи резолюция қабул қилди.

#### ЧИЛИ

НЬЮ-ЙОРК. Чилидаги давлат касалхоналари ва клиникалари хизматчиларидан 50 минг кишининг забастовкаси икки ҳафтадан ортиқ давом этди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Сантьягодан хабар беришича, медицина ходимлари ўзларининг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларини қараб чиқиш ҳақида ҳукуматнинг ваъдасини олганларидан кейингина ишга чиққанлар. (ТАСС).

### СУДАНДА АҲВОЛ

**ХАРТУМ, 28 декабрь. (ТАСС). Судан бош министри Содиқ Алмаҳдий бугун радио орқали нутқ сўзлаб, Хартумда ҳарбий тўнтариш ясаш йўлидаги уриниш бостирилганлигини хабар қилди. Армия ва хавфсизлик қўшинлари, деди у, бугун тонг пайтида баъзи бир армия бўлинмалари уюштирган фитна қатнашчиларини қуролсизлантирдилар ва қамоққа олдилар.**

**Ҳукумат, деб сўзини давом эттирди у, аҳволни назорат қилиб турибди ва фитна рўй берган вазиятни текшириб кўришга киришди.**

### КОВУШИНИ ТЎҒРИЛАБ ҚЎЙИШДИ

**БРАЗЗАВИЛЬ, 28 декабрь. (ТАСС). Конго (Киншаса) ҳукумати Конго давлат муассасаларининг ходимлари бўлган бельгиялик тўрт кишига шу ҳафта охиригача мамлакатдан чиқиб кетишни таклиф қилди. Бу хабарни Конго (Киншаса) миллий полициясининг бошлиғи полковник Синга эълон қилди.**

**Бу бельгияликлар орасида Конго ҳукуматининг граждандлик ишлари бўйича собиқ кенгашчиси Люсьен Эмбрэхтс ҳам бор. Улар Конго (Киншаса) «хавфсизлигига путур етказишга уринди» деб айбланмоқдалар.**

### КАМБАҒАЛЛИК РАҚАМЛАРИ

ПАРИЖ, 28 декабрь. (ТАСС). Испания аҳолисининг 20 процентидан кўпроғи камбағал кишилар деб расмий равишда ҳисобланмоқда. Ойлик даромади 2.500 песетадан кам бўлган оилалар шу категорияга киради. Испаниядаги социал тадқиқотларни ривожлантириш ва амалий социология фонди ташкилотининг докладига кўра, дейилади Франциядаги ЮФИ агентлигининг бугунги хабарида, ҳозирги вақтда 1.630 минг оила, яъни етти миллионга яқин киши мана шундай аҳволга тушиб қолган.

### ПОКИСТОНДА ҚОРА ЧЕЧАК

ҚАРОЧИ, 28 декабрь. (ТАСС). Қарочига яна қора оспа тарқалди. 12 киши касалхонага ётқизилди, тўрт киши ўлди. Бу даҳшатли касаллик Покистондан аримаяпти. Маҳаллий эпидимиология касалхонасининг маълумотларига биноан 1950 йилдан бери 5.335 киши касалхонада даволанган, 1.285 бемор ўлган. 1961 йилда қора чечак билан энг кўп киши оғриб, 478 кишининг ёстиғи қуриган.

Қора чечак Жанга районида вабо тусини олмоқда. Сўнгги ойда бу ерда 13 киши ўлган, 42 киши ҳозир даволанмоқда. Медицина маъмурлари касалликни тугатиш чораларини кўрмоқдалар. Жанга районининг ўзида 75.000 киши чечакка қарши эмланган.

## ГРИППДАН САҚЛАНИНГ

Грипп юқумли касаллик ҳисобланади. Бу касалликни (А, $A_1$, $A_2$, В ва С каби) грипп вируслари қўзғатади. Вируслар бир хил касаллик қўзғатсалар ҳам, ўз хусусиятлари ва тузилишига кўра фарқланадилар. Киши вируснинг қайси типи билан оғриган бўлса, унинг организмида фақатгина шу типдаги вирусга қарши иммунитет ҳосил бўлади. Шунинг учун гриппдан яқингинада соғайган бемор бошқа типдаги вирус таъсирида яна қайта оғриши мумкин.

Грипп вируси ташқи шароитда қуёш нури таъсирида тез нобуд бўлади. Қуритиш, дизенфекцияловчи моддалардан фойдаланиш ҳам грипп вирусларига кучли таъсир кўрсатади.

Бемор касалликнинг 4-7 кунигача атрофга грипп вирусларини тарқатади. Бемор йўталганда, аксирганда ва сўзлашганда ҳавога ва атрофдаги буюмларга вирус тутган томчиларни сачратади. Демак, грипп соғлом кишига фақат ҳаво-томчи йўли билан юқади.

Грипп вируслари одам организмига юқори нафас йўллари билан кириб, халқум, хиқилдоқ ва кекирдакни қопловчи энцтелиал тўқимага жойлашиб олади ва тез кўпая бошлайди. Уларнинг бир қисми қонга ўтади. Грипп вируслари организмда заҳарли моддалар ишлаб чиқаради ва организмни заҳарлайди. Грипп вируси соғлом киши организмига тушгандан сўнг 1-2 кун ўтиши биланоқ касалликнинг аломатлари пайдо бўлади.

Одатда касаллик тўсатдан бошланади: бадан увишиб, ҳарорат кўтарила бошлайди. Бемор ўзини анча ҳорғин сезади, бошнинг пешана қисми ва кўз косаси атрофида оғриқ пайдо бўлади. Бутун гавда, бўғимлар ва мускуллар оғрийди, қулоқ шанғиллайди, кўз қизаради.

Касалликнинг бошланғич даврида томоқ қуриб қолади ва томоқ қирилаётгандек сезги пайдо бўлади. Баъзи ҳолларда тумов ва қуруқ йўтал пайдо бўлади, иштаҳа пасаяди. Агар касаллик оғир формада рўй берса, қусиш, мускулларда тиришиш ва хушдан кетиш ҳоллари ҳам бўлиши мумкин.

Касаллик одатда 3-4 кундан сўнг енгиллашади. Иситма пасаяди, иштаҳа яхшиланади, бош оғриқ камаяди. Касалликнинг бошқа аломатлари ҳам аста-секин енгиллашиб, йўқола боради. Лекин, грипп оғир асоратлар қолдириши мумкинлигини унутмаслик керак. Зотилжам, менинго-энцефалит ва бошқалар гриппнинг асоратлари ҳисобланади.

Етарли шароит бўлган тақдирда грипп билан оғриган беморларни врач назоратида уйда даволаш мумкин. Бундай ҳолларда, аввало, беморни иссиқ ва ёруғ хонага ётқизиб, унинг ўрнини оқ чойшаб билан ажратиб қўйиш ва врач чақириш лозим. Иситмалаш даврининг бошидан охиригача ва касалликнинг бошқа аломатлари енгиллашгунча бемор ўрнида ётиши керак. Грипп билан оғриган беморни иссиқ қилиб ўраб қўйиш, кўп миқдорда иссиқ суюқлик (сут, боржом билан сут аралашмаси, ширин чой, мураббоник чой ва бошқалар) бериб туриш унинг тезда соғайиб кетишида ёрдами катта бўлади. Беморлар учун алоҳида идиш тутиш ва улар фойдалангандан сўнг қайнатиш лозим. Беморни парвариш қилувчилар бурун ва оғзига тўрт қават қилинган докадан маска тутиб олишлари, қўлини тез-тез совунлаб ювиб туришлари зарур. Эмизикли оналар грипп билан оғриганда, албатта дока маска тутиб олишлари лозим. Бемор ётган хонанинг ҳавосини тез-тез янгилаб туриш керак.

Кўрсатиб ўтилган тадбирларни вақтида амалга ошириш билан касаллик оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган оғир асоратларнинг олди олинади.

**Ш. ШОВАҲОБОВ,**
**Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг аспиранти.**

## ЧИЛИДА ЗИЛЗИЛА

ГАВАНА, 29 декабрь. (ТАСС). Кеча Чилининг шимолий районида Рихтер ўлчови билан ҳисоблаганда 7 балл куч билан қаттиқ зилзила бўлди. Айниқса Антофагаста шаҳри кўп зарар кўрди. Шаҳардаги уйларнинг 80 проценти вайрон бўлди, деб хабар беради Пренса Латина агентлигининг мухбири Чили пойтахтидан. Ўлганлар бор. Зилзила қарийб 3 минут давом этди.

